

2.3. "Етказиб берувчи" тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 10 кун муддатда маҳсулотларни "Харидор"га етказиб беради.

2.4. "Харидор" тақдим этилган ҳужжатларга асосан 90 кундан ортиқ бўлмаган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китоб қилади.

2.5. Етказиб берилган маҳсулотлар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

2.6. Олинадиган маҳсулотлар нархига бюджет ташкилоти жавоб беради.

### III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Харидор"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Олинадиган маҳсулотлари "Харидор"га транспорт датарилганда "Етказиб берувчи"дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги маҳсулотларни етказиб берилишини талаб қилиш;

мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлигини таъминлаш сиза етказилган зарар қоплашнинг "Етказиб берувчи"дан талаб қилиш.

ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган маҳсулотларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

3.2. "Етказиб берувчи" қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган маҳсулотларини учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Харидор"дан талаб қилиш;

"Харидор"га маҳсулотларини мазкур шартномага мувофиқ "Харидор" буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш.

### IV. ШАРТНОМАНING БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Харидор" муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган маҳсулотларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.4. "Харидор" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд маҳсулотларининг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор қилади.

### V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Озик овкат маҳсулотларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Харидор"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган озик овкат маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўлашни шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва озик овкат маҳсулотлари етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қоплашидан озод этмайди.